

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**“Ўзавтосаноат” АЖ Комплаенс,**  
**Ишлаб чиқариш ва молиявий**  
**хавфларни мониторинг қилиш**  
**Департаменти директори**

  
Ш.Н. Зуннунов  
“40” январь 2025 йил

**“Ўзавтосаноат” АЖда 2024 йилда хавф-хатарларни бошқариш**  
**ва хавфларни камайтириш бўйича**  
**Ҳ И С О Б О Т И**

10.01.2025 йил

Тошкент шаҳри

“Ўзавтосаноат” АЖ томонидан коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш ва мавжуд хавфларни камайтириш борасидаги фаолият таҳлил қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 йилдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сон Қарори асосида “Ўзавтосаноат” АЖнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупцияга қарши кураш дастури ҳамда коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати шакллантирилди.

Ҳисобот даврида жамиятнинг барча лавозимлар бўйича белгиланган вазифалардаги коррупцион хавфлар **юқори** (4 та), **ўрта** (18 та), **паст** (6 та) даражали эканлиги баҳоланди.

Унга кўра, коррупциявий хатарлар **юқори** бўлган функциялар асосан **харид, таъминот ва бухгалтерия** йўналишларига, хавфи **ўрта** бўлган лавозим ҳамда функцияларга **маҳаллийлаштириш, инвестиция, корпоратив, маркетинг, жамоатчилик билан алоқалар ва ишлаб чиқариш** йўналишларига тегишли эканлиги маълум бўлган.

Баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, “Ўзавтосаноат” АЖ ва тизим корхона томонидан Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича **22 банддан иборат чора-тадбирлар дастури** ишлаб чиқилган.

Бунда асосий эътибор “Ўзавтосаноат” АЖ ва тизим корхоналарида коррупцияга қарши курашишга **оид меъёрий ҳужжатлар талабларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга** қаратилган.

Шунга кўра, малакали мутахасислар хавотирсиз фаолият кўрсатишига имконият яратиш, коррупцион хавфи юқори лавозимдаги хавфларни минималлаштириш мақсадида, **7 та ички идоравий (локал) ҳужжатларга**

берилган тавсиялар асосида тегишли ўзгартиришлар киритилиб, янги сиёсат ва Низомлар қабул қилинди.

Хусусан, "Ўзавтосаноат" АЖ Кузатув кенгаши мажлисининг 11.06.2024 йилдаги 7-2024-сон баёни билан:

1. Фирибгарликка қарши курашиш сиёсати;
2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш сиёсати;
3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссияси тўғрисидаги Низом;
4. Комплаенс-назорат қўлланмаси (Handbook);
5. Санкциялар ва экспорт назорати сиёсати;
6. Ходимлари одоб-ахлоқ қоидалари янги таҳрирда қабул қилинган.

Шу каби, мавжуд **сиёсат ва стандартлар** қайта кўриб чиқилиб, амалдаги қонунчилик ва альянс шартларидаги янги талабларга мувофиқлаштириш бўйича таҳлилий ўрганишлар олиб борилди.

Жумладан, ички локал ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида **"Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида"**ги Низоми тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Шунингдек, **"Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"**ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан жамият ва тизим корхоналарига тегишли бўлган **"Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсатлари"**ни қонунга мувофиқлаштириш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, хавфи юқори бўлган лавозимларнинг асосий қисми харидлар йўналишида кузатилганлиги эътиборга олиниб, чора-тадбирлар дастурида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган **давлат харидлари талаблари бўйича иш олиб борилишини назорат қилиш** режа қилиб олинган.

Мазкур тадбир ижроси доирасида "Ўзавтосаноат" АЖ ва тизим корхоналарида харид жараёнлари алоҳида назоратга олиниб, хар бир тартиб-тамойилларига кўра олиб борилиши мунтазам ўрганиб борилди.

Жумладан, ўтган 12 ой давомида "Ўзавтосаноат" АЖ ва унинг тизим корхоналарида жами **1.333 та** контрагентлар ўрганилиб, шундан **1.239 тасига** ижобий хулосалар берилган, қолган **94 тасини** ўрганиш жараёнида **"Давлат харидлари тўғрисида"**ги ва **"Рақобат тўғрисидаги"**ги Қонунлар талаблари бузилганлиги аниқланганлиги учун салбий хулосалар берилиб, қонун бузилиши ҳолатлари олди олинди.

Шунингдек, харид жараёнларини назорат қилиб бориш натижасида жами **705,5 млрд. сўм** иқтисод қилинишига эришилган бўлиб, шундан **520,7 млрд. сўми** қонун бузилишларни олдини олиш, **41,8 млрд. сўми**

ортиқча харажатларни олдини олиш, **38,6 млрд. сўми** маҳсулотлар нархларини камайтириш ҳамда **104,4 млрд. сўми** ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳолатлари ҳисобига тўғри келган.

Махсус ахборот порталларида тўловларни назоратли равишда амалга ошириш ҳамда мақсадсиз тўловларнинг олдини олиш мақсадида **СМС тасдиқ орқали амалга ошириш** йўлга қўйилиб, келгусидаги жараёнларда хавфларни минималлаштириш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, хавфларни баҳолаш жараёнида **ходимлар билан ишлаш, кадрларни танлаш ва тайинлаш** функцияси ўрта даражада баҳоланган.

Шундан келиб чиқиб, коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурида мазкур йўналишдаги хавфлар белгилаб олиниб, **ходимларни ишга олиш ва иш жойини ўзгартириш жараёнида манфаатлар тўқнашувининг эҳтимолий хавфлари** мунтазам равишда таҳлил қили борилди.

Жумладан, ҳисобот йилида “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви декларацияси тўлдирилган бўлиб, уларни таҳлил қилиш давомида **жами 14 та** ҳолатда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги аниқланган.

Ўз навбатида, **манфаатлар тўқнашуви бир-бирига бўйсунув асосида фаолият юритувчи ходимлар** ўртасида аниқланган ҳолатларда, тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, жамият ходимлари ўртасида комплаенсга доир тартиб-таомилларни тарғиб қилиш, таништириш, ўқитиш (таълим) ва риоя этилишини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Масалан, жамиятнинг **2.088 нафар** ходимларига коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва комплаенс сиёсатларининг мазмун-моҳияти бўйича **ўқув машғулотлари ўтказилди**.

Шунингдек, Комплаенс хизмати томонидан жамиятнинг масъул лавозимларида фаолият олиб бораётган **212 нафар** раҳбар ва ходимлар учун ҳам **ISO 37001:2016** халқаро стандарти бўйича махсус ўқув курсини ўташлари таъминланди ва улар муваффақиятли якунлади.

Шу каби, корхоналарнинг ички идоравий (локал) ҳужжатлари такомиллаштирилиб, комплаенсга оид сиёсат талабларининг бузилиши тегишли интизомий жавобгарликни келтириб чиқариши корхоналарнинг **“Ички меҳнат тартиб” Қоидаларида мустаҳкамланди**.

Мазкур йўналишдаги тизимли тадбирларнинг давоми сифатида, жамият ва тизим корхоналари ходимлари томонидан комплаенс сиёсатларига риоя қилиниши мунтазам текшириб борилиб, тартиб бузилиши ҳолатларига нисбатан тегишли чоралар кўрилиши бўйича **таклифлар киритиб борилди**.

Мавжуд лавозим ва функцияларни баҳолаш жараёнида хавфи ўрта бўлган соҳалардан яна бири **ишлаб чиқариш йўналишида** мавжудлиги аниқланган. Шундан келиб чиқиб, чора-тадбирлар дастурида **мазкур йўналишдаги хавфларни камайтиришга** ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинган.

Жумладан, ушбу йўналишдаги коррупцион хавфларни камайтириш мақсадида чора-тадбирлар дастурида асосий эътибор ишлаб чиқаришдаги **хавфлар тизими шакллантирилиб**, уларни олдини олиш методларини аниқлаш, вазифаларни алоқадор бўлим, цех ва участка бошлиқлари лавозим **йўриқномалари талабларига мувофиқлаштириш**, линия тўхталишларини **ойлар кесимда таҳлил қилиб бориш** ҳамда унинг натижаларидан келиб чиқиб, юзага келаётган тўхталишлар **олдини олишга қаратилган**.

Шунга кўра, корхоналарида ишлаб чиқаришдаги хавфларни баҳолаш, уларни олдини олиш методлари таҳлил қилинган ҳолда ишлаб **чиқариш унумдорлигига тўғридан тўғри таъсир қилувчи линия тўхталишлари ойма-ой тизимлаштириб борилди**.

Шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ **электрон тизимлар такомиллаштирилиб**, қўшимча дастурий қулайликлар яратилиши таъминланди.

Ишлаб чиқариш ва сифат тизими мониторинги натижасида **307,8 млрд. сўм** харажатлар олди олинган бўлиб, шундан **72,8 млрд. сўми** таннархни тўғри шакллантириш, **108,4 млрд. сўми** бизнес режада ортиқча киритилган харажатларни камайтириш, **48,3 млрд. сўми** ортиқча ишчи кучини оптималлаштириш, **78,3 млрд. сўми** ишлаб чиқаришда мавжуд юктамаларни оптималлаштириш орқали **эришилган**.

Ҳозирда, “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналари томонидан жорий йил учун давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни (йиллик) баҳолаш бўйича зарур чора-тадбирлар давом этмоқда.

Комплаенс хизмати раҳбари



А.Одилов